

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВ ФАРХОД ИСТАМОВИЧ

**ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ВИЗУАЛ АНАТОМИК
БУЗИЛИШЛАРИ БОР ҚИЗЧАЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01– Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Зокиров Фарход Истамович

Ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик
бузилишлари бор қизчаларни олиб боришни
такомиллаштириш

3

Зокиров Фарход Истамович

Оптимизация ведения девочек с визуальными
анатомическими отклонениями наружных
половых органов

29

Zokirov Farkhod Istamovich

Optimization of management of girls with visual
anatomical deviations of external
genitalia

55

E'lon kilingan ishlar ro'yxati

Список опубликованных работ
List of published works

59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВ ФАРХОД ИСТАМОВИЧ

**ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ВИЗУАЛ АНАТОМИК
БУЗИЛИШЛАРИ БОР ҚИЗЧАЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01– Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1609 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-сайти саҳифасида (www.sammu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иргашева Севара Уткуровна
тиббиёт фанлари доктори

Закирова Надира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармокли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18- уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодиқулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гинекология амалиётига инновацион текшириш ва даволаш усуллари тадбиқ этилишига қарамасдан туғма ва орттирилган ташқи жинсий аъзолар аномалияларини эрта аниқлаш ва даволашда кузатиладиган муаммолар ҳозирги кунгача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра «...қизлик парда атрезияси ҳар 1000 қизчаларда 1-та ҳолатда, кичик жинсий лаблар синехияси 2-22% ҳолатларда учрайди...беморнинг репродуктив салоҳиятини ёмонлаштириш билан бир қаторда, гинатрезия каби мураккаб асоратларга олиб келади...»¹. Айти пайтда ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни олиб боришда ҳар бир ҳолатнинг клиник кечишини инобатга олган ҳолда даволашнинг энг мақбул усулини (консерватив ёки жарроҳлик) танлаш, уларни қўллашнинг энг оптимал вақти ҳамда кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни аниқлаган ҳолда даволашнинг натижаларини баҳолаш гинекология амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни, жумладан қизлик пардаси атрезияси, кичик жинсий лаблар синехияси ва "жинсий ривожланишнинг бузилиши" (ЖРБ) (Disorders of Sex Development) билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ташхислаш, энг мақбул даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезиясини даволашда маҳаллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда қизлик пардаси бутунлигини сақловчи жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш, кичик жинсий лаблар синехиясини даволашда энг мақбул консерватив даво усулини танлаш ҳамда жинсий ривожланишнинг бузилиши бўлган беморларнинг нормал психосексуал мослашувини таъминлаш, уларнинг репродуктив, сексуал ва социал функцияларини тўлақонли амалга ошира олиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда “тарбиялаш жинси”ни аниқлаб энг мақбул жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни олиб бориш ва уларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу

¹ World Health Organization. (2019). Global Health Estimates: Life expectancy and leading causes of death and disability. <https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates>

борада «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни олиб боришда клиник, лаборатор ва функционал таҳлиллар асосида ҳар бир ҳолатнинг клиник кечишини аниқлаб, уларни даволашга (консерватив ёки жарроҳлик) бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни белгилаб, даволашнинг энг мақбул усули, вақти ва ҳажмини аниқлаш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, ташқи жинсий аъзолар тузилишининг визуал бузилишлари орасида энг кўп учрайдигани қизлик парда атрезиясидир. Ушбу патология ташхисотининг мураккаб эмаслигига қарамасдан мазкур касалликнинг бошланғич даврларида клиникасининг йўқлиги сабабли менархегача эътибордан четда қолиши, ёки баъзи ҳолларда у эрта ёшда, онадан болага сут билан ўтадиган эстрогенлар таъсирида янги туғилган қизчаларда мукокольпоснинг ривожланиши натижасида аниқланади (Полякова Т. В., Миронченкова Е. С., Миронченков М. В. 2022; Al-Salem A.H. 2020; Paula J Adams Hillard, 2016). Ушбу патология клиникасининг хилма-хиллиги, ташхисотида йўл қўйиладиган хатолар сабабли бундай беморлар кўпинча шошилинич кўрсатмалар – “ўткир қорин” ташхиси билан касалхонага ётқизилади. Бундай ҳолларда ушбу патологияни ташхислаш, жумладан дифференциал ташхислаш учун вақтнинг тиғизлиги

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

шифокор томонидан шошилиш равишда тиббий аралашувни ўтказишга сабаб бўлади (John A. Rock, Howard W. Jones. 2014).

Бугунги кунга келиб, "жинсий ривожланишнинг бузилиши" (ЖРБ) (Disorders of Sex Development) билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг клиник хусусиятлари, мавжуд бўлган адабиётларда сифатли ишлаб чиқилган тадқиқотлар йўқлиги ва далилларга асосланган нашр этилган илмий ишларнинг етарли эмаслиги сабабли тўлиқ аниқланмаган. Мавжуд протоколлар ва кўпгина муаллифлар томонидан таклиф қилинган тавсиялар, асосан ретроспектив клиник дескриптив тадқиқотларга асосланган ёки ушбу соҳадаги алоҳида мутахассисларнинг шахсий фикрлари эканлиги ҳисобига ҳар доим ҳам соҳа мутахассисларининг эҳтиёжини қондиролмайди. Қизчаларда кузатиладиган кичик жинсий лаблар синехияси (битишмаси) алоҳида эътибор кашф этади. Адабиётлар маълумотида кўра улар асосан 13-23 ойлик ёшда 0,6-3% ҳолатларда учраб, соғлом қизчаларнинг 38,9 %-да кузатилиши мумкин (Батырова З. К., Уварова Е. В. 2018; Лалаян Р. С., Барило А. В., Красина Е. А. 2020; 44. Сағлар МК. 2007; Leung АК, Robson WL, Tay-Uyboco J. 1993). Кичик жинсий лаблар синехияси деб турли узунликдаги, кичик жинсий лаблар орасида пайдо бўладиган ингичка фиброз бирикмага айтилади. Ҳозирги вақтгача адабиётларда ушбу патологияни даволаш тактикаси бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан ташқи жинсий аъзолар тузилишининг визуал анатомик бузилишларини ташхислаш ва даволаш (Негматжанов Б.Б. 2020), тарқалиши ва башоратлаш: функционал ташхислаш усулининг замонавий хусусиятлари (Худоярова Д.Р. 2017) борасидаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ даволашнинг энг мақбул усулини (консерватив ёки жарроҳлик) танлаш, уларни қўллашнинг энг оптимал вақти ҳамда кўрсатма ва қарши кўрсатмаларнинг асосий меъзонлари ишлаб чиқилмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган гинекология амалиётида ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни ташхислаш ва даволашга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлар ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчаларни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли « Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш-профилактика чора-тадбирларининг ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий ва психосексуал мослашувини

таъминлаш мақсадида ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор беморларни текшириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишлари турига қараб даволашнинг энг мақбул (рационал) усули ва оптимал вақтини аниқлаш;

ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор беморларни олиб бориш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш;

ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор беморларни даволашнинг бевосита ва яқин муддатли натижаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази гинекология бўлимига ҳамда “Самарқанд Доктор Шифобахт” хусусий тиббиёт клиникасига мурожаат қилган ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор 65 нафар қизчалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби, шунингдек беморларнинг пешоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор (гормонал профиль, цитогенетик - кариотипни аниқлаш), гинекологик текширув, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташқи жинсий аъзоларнинг амбивалент тузилишида андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли аниқланганда β-инсон хорионик гонадотропини билан стимуляцион тест (спецификлик 89% ва сезгирлик 100%) ўтказиш орқали дифференциал ёндашувлар натижасида муқобил даво усулини танлаш асосланган;

андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шаклида микропенис бошчасининг бир қисмини вентрал юзада сақлаб қолиш техникаси орқали 2 ёшгача бўлган беморларда эрта жарроҳлик коррекциясини ўтказиш самарали эканлиги исботланган;

илк бор ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган қизчаларда, мукокольпосни даволашда қизлик парда бутунлигини сақловчи чоксиз жарроҳлик усулининг самарадорлиги асосланган;

кичик жинсий лаблар битишмаси – синехияларида клиник симптоматика ривожланмасдан эрта консерватив даво усулини қўллаш касаллик асоратларининг ва қайталанишининг олдини олиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезиясини таклиф қилинган жарроҳлик йўли билан даволаш усули самарали бўлиб, тавсия этилган анъанавий усулларга нисбатан қизлик парда ҳалқасининг

бутунлигини сақлаш имконини берган;

андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан касалланган беморларда ташқи жинсий аъзолар кўринишини микропенис бошчасининг энг сезгир қисмини вентрал юзада сақлаб қолиш йўли орқали эрта феминизацияловчи коррекцияси ташқи жинсий аъзоларга феминин кўриниш бериш натижаларига эришишга ёрдам берган;

бетаметазон дори воситасини қўллаш, битишмалар зичлиги ва давомийлигидан қатъий назар, кичик жинсий лаблар синехиясини даволашда юқори самарадорликни кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида ташқи жинсий аъзоларида турли хил визуал анатомик бузилишлари бўлган қизчаларни олиб боришга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мукокоल्पос билан асоратланган қизлик пардаси атрезиясини электрокоагулятор ёрдамида қизлик парда тўқимасининг марказий қисмини кесиб олиш орқали даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш, андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан касалланган беморларда ташқи жинсий аъзолар кўринишининг микропенис бошчасининг энг сезгир қисмини вентрал юзада сақлаб қолиш йўли орқали эрта феминизацияловчи коррекциясининг оптимал усуллари ва уларни амалга оширишнинг оптимал вақтини белгилаш натижасида касаллик кечишининг оғир даражасини ўз вақтида ташхис қўйиш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оптималлаштирилган даволаш тактикаси (жарроҳлик ва консерватив) техник жиҳатдан содда бўлиши ва катта молиявий харажатларни талаб қилмаслиги, тавсия этилган даволаш усуллари гинекологик ёрдам ташкил этилган турли даражадаги шифохоналарда амалга оширилиши мумкинлиги, уларнинг юқори самарадорлиги, бевосита ва узок муддатли асоратлар ҳамда ножўя таъсирларнинг йўқлиги, касалликнинг қайталанишининг олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган беморларни даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташқи жинсий аъзолар тузилишининг визуал бузилишлари бўлган беморларни эрта ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган “Янги туғилган чақалоқларда жинсий шаклланиш бузилишларини ташхислаш алгоритми”

номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 8н-р/246-сон). Мазкур услубий тавсиянома чақалоқларда жинсий шаклланиш бузилишларини ўз вақтида ва тўғри ташхислаш имконини берган;

ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган қизчаларни даволашни оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган “Ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишларини даволашда янги ёндашувлар” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги 8н-р/248-сон). Мазкур услубий тавсиянома ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган беморларни даволаш усулларини оптималлаштириш имконини берган;

ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган қизчаларни даволашни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг гинекология бўлимига ва "Самарқанд Доктор Шифобахт" хусусий тиббиёт клиникаси гинекология бўлимига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 июндаги 08-18997 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши жинсий шаклланишида бузилишлари бўлган беморларга тўғри ташхис қўйишга ва ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бўлган қизчаларни даволаш усулларини оптималлаштириш орқали асоратлар сонини камайтириш, даволаш учун кетаётган маблағни тежаш ва беморларни ижтимоий мослашувини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий конференцияларда, жумладан 2 та республика ва 1 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумот берилган.


Диссертациянинг **“Қизчаларда ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишлари. Муаммонинг ҳозирги вақтдаги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, ҳамда хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Тадқиқот натижаларига кўра дунёдаги қизчаларда ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишлари муаммоси бўйича маълумотларнинг таҳлили ўтказилган. Қизчаларда ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишлари муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамай, ушбу патологияни даволаш тактикасида ҳали ҳам кўп ноаниқликлар мавжуд. Ташқи жинсий аъзоларнинг визуал анатомик бузилишларида даволаш ўтказиш учун беморларнинг ёши ва даволаш усули билан боғлиқ аниқ ва асосли мезонлар йўқ.

Андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли (АРСНШ) алоҳида қизиқиш уйғотади, зеро бунда беморлар эркак генотипига (46 ХУ) эга бўлишларига қарамай, ташқи жинсий аъзолар кўпинча аёлларга амбивалент ривожланган бўлиб, беморларнинг жинсини аниқлаш қийинчилик туғдиради. Шу муносабат билан бундай беморларни олиб боришнинг кейинги тактикасига оид тадқиқотлар эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси мавжуд беморлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир, чунки мукокольпосни жарроҳлик йўли билан даволаш вақтида кўпинча қизлик пардасининг бутунлиги бузилади. Қизлик пардасининг бутунлиги бокиралик белгиси эканлигини инобатга олган ҳолда, унинг бутунлигининг бузилиши кўпгина жамиятларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қабул қилинмайдиган ҳолат ҳисобланади. Бу қизлик пардасининг бутунлигини сақловчи альтернатив даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.


Диссертациянинг **“Материал ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материал, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари ва маълумотлар батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, 2009 - 2020 йилларда Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази гинекология бўлимига ҳамда “Самарқанд Доктор Шифобахт” хусусий тиббиёт клиникасига ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор 65 нафар беморлар текширилди.

Визуал анатомик бузилиш турига қараб беморлар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳга андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан 15 нафар (23,1%) қизчалар; 2-гуруҳга мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси бўлган 20 нафар (30,7%) қизчалар; 3-гуруҳга кичик жинсий лаблар синехияси билан мурожаат қилган 30 нафар (46,2%) қизчалар кирди (1-расм).



Расм. 1. Визуал анатомик бузилиш турига қараб беморларнинг тақсимоти

Текширилган қизларнинг ёши 0,5 - 5 ёш бўлиб, улар 3 гуруҳга бўлинган: 0-1 ёш, 1-2 ёш ва 3-5 ёш (2-расмга қаранг).



Расм 2. Ёшига қараб беморларнинг тақсимоти

Тадқиқотда, умумий клиник тадқиқот усулларида ташқари, гинекологик тадқиқот усули, шу жумладан Прадер бўйича ташқи жинсий аъзоларнинг фенотипини баҳолаш ва "Ташқи маскулинизацияни баҳолаш", инструментал тадқиқот усулларида ташқари, андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан касалланган беморларда гормонал профилни ўрганиш ва β-инсон хорионик гонадотропини билан стимуляция тестини ўтказиш ҳамда цитогенетик текширув, яъни кариотипни аниқлаш ўтказилди. (1-жадвал).

Текширилган беморларда ўтказилган текширувлар ҳажми

№	Текширув тури	Текширув усуллари	Текширув ҳажми
1	Текширилган беморларда катамнезни ўрганиш	1. Шикоятларни баҳолаш 2. Анамнез йиғиш, шу жумладан генеалогик 3. Текширилган беморлар онасида ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечишини ўрганиш	65 нафар ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчалар
2	Умумклиник текшириш усуллари	1. Умумий қон таҳлили 2. Умумий пешоб таҳлили	65 нафар ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчалар
3	Ташқи жинсий аъзолар ҳолатини баҳолаш	1. Гинекологик кўрик (ташқи жинсий аъзоларнинг визуал ва пальпатор кўриги)	65 нафар ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор қизчалар
		2. Ташқи жинсий аъзолар фенотипини баҳолаш	15 нафар андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли бўлган беморлар
		3. Ташқи маскулинизацияни баҳолаш	
4	Кичик чаноқ аъзоларини баҳолаш	1. УТТ	20 нафар мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси бўлган беморлар 15 нафар андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли бўлган беморлар
5	Гормонал профилни текшириш	1. Тестостерон 2. Дигидротестостерон 3. В-инсон хорионик гонадотропини билан стимуляция тести	15 нафар андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли бўлган беморлар
6	Лаборатор-генетик текширув	1. Каритипнинг цитогенетик текшируви	15 нафар андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли бўлган беморлар

Олинган натижаларга Intel Pentium (R) 4 CPU 2,00 MHz русумли персонал компьютерда Microsoft Windows XP Professional дастури орқали Microsoft Excel 2010 ҳамда Statistic 10. амалий дастурлари ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг "**Шахсий тадқиқотлар натижалари**" номли учинчи бобида муаллиф ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор беморларни текшириш ва даволаш натижаларини тақдим етган. Оптимал ёш ва даволашнинг усулини танлаш учун ташқи жинсий аъзоларда визуал

анатомик бузилишлар турига қараб, касалликларнинг анамнези ва клиникаси ўрганилди, шунингдек, ташқи жинсий аъзоларида визуал анатомик бузилишлари бор 65-та беморга комплекс клиник ва лаборатор текширувлар ҳамда даволаш ўтказилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек визуал анатомик бузилиш турига қараб беморлар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳга андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан 15 нафар (23,1%) қизчалар; 2-гуруҳга мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси бўлган 20 нафар (30,7%) қизчалар; 3-гуруҳга кичик жинсий лаблар синехияси билан мурожаат қилган 30 нафар (46,2%) қизчалар кирди (1-расм).

Мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси: 20 нафар мукокольпос билан асоратланган қизлик пардаси атрезияси бўлган беморлар текширувдан ўтказилди ва даволанди. Беморларнинг ўртача ёши 4 ойни ташкил қилди.

Мурожаат қилганда онасининг сўзларига қараганда 14 нафар (70%) қизчада охириги 1-2 ой давомида безовталиқ (ёмон уйқу) кузатилган, қизчалар ёмон ухлаганлар, сийиш пайтида йиғлаш, тез-тез сийиш (дизурия) эпизодлари кузатилган. Уларнинг барчаси дастлаб педиатрга мурожаат қилишган, текширилган ва консерватив симптоматик даво буюрилган. Даво таъсири вақтинчалик бўлган ва узоқ муддатли симптоматик даволанишдан сўнг, таҳорат вақтида ота-оналар томонидан ташқи жинсий аъзолар соҳасида ҳосила аниқланган. 6 нафар (30%) ота-оналари қизчаларнинг ташқи жинсий аъзолари соҳасида таҳорат пайтида тасодифан ҳолсилани аниқлаганларига шикоят қилиб мурожаат қилишган (2-жадвалга қаранг).

Жадвал 2.

Касалликнинг кечишига қараб мукокольпос билан касалланган беморлар тақсимооти

	Симптомсиз кечиши	Симптомли кечиши	Жами	хи ²	P
Беморлар сони	6 (30%)	14 (70%)	20 (100%)	6,400	0,011

P – касалликнинг симптомли ва симптомсиз кечишида беморлар сони фарқининг ишончлиги (ИТ=95%).

2 нафар (10%) беморнинг анамнезидан маълум бўлишича, беморнинг холаси (онасининг опаси) балоғат ёшида қизлик пардаси атрезияси ва гематокольпос бўйича операция қилинган экан. 3 нафар беморнинг ота-онаси яқин қариндошлиги аниқланди. Қабул қилинганда гинекологик текширув вақтида барча қизларнинг ташқи жинсий аъзолари аёлларга хос ривожланган клитор нормал ўлчамда, уретранинг ташқи тешиги тўғри жойлашган. Барча ҳолларда юпқалашган ёпиқ қизлик пардасининг бўртиб туриши ва унинг ортида оппоқ масса порлаб туриши қайд этилди. (3-расм).


Тўлиқ текширувлардан ўтиб ташхис тасдиқлангандан кейин, қаршиқўрсатмалар аниқланмагандан кейин ушбу беморларни жарроҳлик даволашга тайёрлашга киришилган. Бизнинг менталитетимиз шароитида бокираликнинг муҳим аҳамиятга эканлигини инобатга олган ҳолда ва

келажакда беморларнинг нормал ижтимоий мослашуви учун ушбу патологияни даволашда қизлик пардаси ҳалқасининг бутунлигини сақлайдиган такомиллаштирилган жарроҳлик усулини амалиётимизга жорий қилдик.



Расм 3. Мукокольпос билан касалланган беморнинг ташиқи жинсий аъзоларининг кўриниши

Беморларни амалиётга тайёрлаш схемаси умумэтироф этилган схемадан фарқ қилмади ва қуйида келтирилган: амалиётда болаларни оғриқсизлантириш умумий венаичи оғриқсизлантириш билан таъминланди. Барча беморларга цефалоспорин антибиотиклари билан интраоператив антибиотик профилактикаси ўтказилди. Беморларга литотомия ҳолати берилиб амалиёт учун адекват ҳолат таъминланди. Амалиёт майдонига икки марта 3% йодонат эритмаси ва кўшимча равишда 90%-ли спиртли эритма билан ишлов берилди. № 8 Фолей катетери билан сийдик пуфагининг трансуретрал катетеризацияси орқали сийдик туширилди ва катетер 1 кунга сийдик пуфагида қолдирилди.



Расм 4. Қизлик парда ҳалқасини сақловчи қизлик парда кесимининг схематик тасвири.

Мукокольпоснинг жарроҳлик коррекциясининг такомиллаштирилган усулининг техникаси: тегишли тайёргарликлардан кейин ассистент Фарабеф илгаклари ёрдамида катта ва кичик жинсий лабларни ён томонларга тортиб мукокольпос гумбазини очади. Шундан кейин гумбаз чуққисидан қизлик пардаси жарроҳлик пинцети билан ушланади ва униполяр коагуляцион пичоқ билан қизлик пардаси ҳалқасидан искарига 2-3 мм оғиб унинг йўналишини такрорлаб айланасимон кесим ўтказилиб гумбазнинг марказий қисми тўқимаси кесиб олинади (4-расм). Шундан сўнг,

қин ичидаги шиллик суюқлик мажбурламасдан эвакуация қилиниб қин водород периксид эритмаси ва 0,9% натрий хлорид эритмаси билан санація қилинади.

Амалиётдан кейинги давр силлик кечди. Амалиётдан кейинги даврда 3 кун давомида ташқи жинсий аъзоларга кунига 2 маҳал водород пероксид ва фурациллин эритмалари билан ишлов берилди. Беморларга антибиотик терапияси буюрилмади ва оғриқсизлантиришга эҳтиёж йўқ эди. Беморлар ўзларини яхши ҳис қилишди, уйқулари яхши эди, сийиш пайтида йиғлаш, тез-тез сийиш (дизурия) каби аломатлар йўқолди. Больные были спокойными, спали хорошо, явления болезненного мочеиспускания исчезли. 3-чи кунда такрорий кўриқдан сўнг беморлар уйига жавоб берилди. Амалиётдан кейинги даврда асоратлар кузатилмади. 3-куни назорат текширувида қизлик пардаси четларининг яхши битиши, қизлик пардасининг очилиши физиологик нормадагидек қизлик пардаси ҳалқаси сақланиб қолган ҳолда очиклиги қайд етилди.

Барча беморларга ультратовуш текшируви ўтказилди, ультратовуш манзара нормада эканлиги, яъни қинда ҳеч қандай ҳосила аниқланмади. Яқин муддатли натижани баҳолаш учун кейинги назорат текшируви амалиётдан кейинги бир ойдан сўнг ўтказилди. Бунда барча ҳолатларда (100%) қизлик пардаси тешиги физиологик нормадагидек очик ва қизлик пардаси ҳалқаси эса бутунлиги аниқланди, рецидивлар кузатилмади. Амалиётдан кейин болаларда амалиётгача кузатилган безовталиқ бошқа кузатилмади.

Андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли билан касалланган 15 нафар бемор текширилди ва уларга жарроҳлик амалиёти ўтқузилди. 15 нафар бемордан 9 нафари 2 ёшдан олдин, 6 нафари еса 3-5 ёшда мурожаат қилган.

Жадвал 3.

Мурожаат вақтида беморларнинг ёшига қараб тақсимланиши.

Ёши	2 ёшгача	3-5 ёш	хи ²	P
Беморлар сони	9 (60%)	6 (40%)	1,200	0,273
Жами	15			

P – 2 ёшгача ва 3-5 ёшгача бўлган беморлар орасидаги фарқнинг ишончлиги (ИТ=95%).

Беморларнинг анамнезидан маълум бўлишича, 3 нафар беморнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилишига сабаб патологиянинг кеч аниқланганлиги бўлса, яна 3 нафарининг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилишининг сабаби қаерга ва қайси мутахассисга мурожаат қилишни билмаслиги бўлган, гарчи уларнинг касаллиги 2 ёшлигидан олдин аниқланган бўлсада. Барча беморлар аёл жинсида тарбияланган. 15 бемордан 4 нафарининг анамнезидан уларнинг ота-оналарида қариндошлиқ никоҳини аниқладик. Бунда барча 4 ҳолатда беморларнинг онаси ўзининг она томонидан қариндош акасига турмушга чиққан.

Қабул вақтидаги текширувда барча беморларда ташқи жинсий аъзоларнинг нотўғри ривожланганлиги аниқланди. Ташқи жинсий аъзоларнинг вирилизациясининг етишмовчилик даражаси Sinnecker et al.

(1997) томонидан таклиф қилинган 46 ХҮ ЖШБ-да фенотипларнинг таснифи билан баҳоланди (Sinnecker G.H.G, Hiort O., Nitsche E.M. et al. 1997), яъни урогенитал синуснинг тузилиши аниқланди (4-жадвал).

Жадвал 4.

Текширилаётган беморлар ташқи жинсий аъзоларининг фенотипик таснифи.

Тип	Фенотип	Клиник кўриниши	Беморлар сони
1	Эркакларга хос	Сперматогенезнинг бузилиши ва/ёки пубертат даврда вирилизациянинг бузилиши	0
2	Кўпроқ эркакларга хос	Алоҳида гипоспадия ва/ёки микропенис Юқори даражали гипоспадия, бўлинган ёрғоқ	0
3	Амбивалент	Кўпроқ клиторга ўхшаш микропенис, жинсий лабларни эслатувчи бўлинган ёрғоқ, Оралиқ-ёрғоқ гипоспадия ёки калта, ёпиқ қинли урогенитал синус	9
4	Кўпроқ аёлларга хос	Клитор гипертрофияси ва/ёки жинсий лаблар битишмаси, калта, ёпиқ қинли урогенитал синус	6
5	Аёлларга хос	Пубертат давргача виризация белгиларининг йўқлиги. Пубертат даврда: 5 α -редуктаза етишмовчилиги асносидаги виризация, андрогенлар рецепторларининг етишмовчилиги асносидаги феминизация	0
Жами			15

Жадвалдан кўришиб турибдики, АРСНШ билан касалланган барча 15 беморда ташқи жинсий аъзоларнинг фенотипи 3 ва 4-типлри тўғри келди. 1 ва 5-типдаги фенотиплар фақат пубертат ёши бошланганидан кейин аниқланади. Ташқи жинсий аъзолар тузилишининг 2-типи бўлган беморлар, эҳтимол, болалар жарроҳларига мурожаат қилишади. Шунинг учун биз ташқи жинсий аъзолар фенотипининг 1, 2 ва 5-типлари бўлган беморларни кузатмадик. 5-жадвалда беморларнинг ташқи жинсий аъзолари фенотипи ва ёши бўйича миқдорий тақсимоти кўрсатилган.

Жадвал 5.

Беморларнинг ташқи жинсий аъзолари фенотипи ва ёши бўйича миқдорий тақсимоти

Ёши	2 ёшгача	3-5 ёш	хи ²	P	Жами
Фенотип					
3 тур	6	4	0,800	0,371	10 (66,7%)
4 тип	3	2	0,400	0,527	5 (33,3%)
Жами	9	6	1,200	0,273	15


P – 2 ёшгача ва 3-5 ёшгача бўлган, ҳар хил фенотипли беморлар сони фарқининг ишончилиги (ИТ=95%).

Жадвалдан кўришиб турибдики, энг катта гуруҳни 3-тип ташкил этди 66,7%. Гинекологик кўрик вақтида ташқи жинсий аъзолар тузилишининг амбивалент тури бўлган 7 нафар беморда лабиоскротал бурмалар ичида биз

хосилалр – мойжларни топдик. Ультратовуш текширувда 5 нафар беморда иккала мойж қорин бўшлиғида, 3 нафарида эса иккала мойж ҳам чет каналларида эканлиги аниқланди.

Ташқи жинсий аъзоларнинг маскулинизация даражасини аниқлаш учун Ahmed, S.F ва ҳаммуал., (2000 й.) томонидан таклиф қилинган "Ташқи маскулинизацияни баҳолаш" (ТМБ) (5-расм) шкаласидан фойдаланилган (Ahmed, S.F., Khwaja, O. & Hughes, I.A. 2000).

Шкалада кўриниб турганидек "Ташқи маскулинизацияни баҳолаш" учун биз 5-та кўрсаткични аниқладик. Текширув натижалари 6 жадвалда келтирилган.



Расм 5. "Ташқи маскулинизацияни баҳолаш" шкаласи

Жадвал 6.

Андрогенларга резистентлик синдромининг нотўлиқ шакли бўлган беморларнинг ТМБ-лари

Кўрсаткичлар Беморлар	1	2	3	4	5	Жами баллар
	Микропениснинг мавжудлиги	Ёрғоқ битишмасининг мавжудлиги	Уретра ташқи тешигининг жойлашуви	Ўнг гонада	Чап гонада	
1	0	3	1	0	0	4
2	0	3	1	0	0	4
3	0	3	1	0	0	4
4	0	3	1	0	0	4
5	0	3	1	0	0	4
6	0	3	1	1	1	6
7	0	0	3	1,5	1,5	6
8	0	0	3	1,5	1,5	6
9	0	0	3	1,5	1,5	6
10	0	0	3	1,5	1,5	6
11	0	0	3	1,5	1,5	6
12	0	0	3	1,5	1,5	6
13	0	0	3	1	1	5
14	0	0	3	1,5	1,5	6
15	0	0	3	1	1	5

Жадвалдан кўришиб турибдики, текширилган беморларнинг ярмидан кўпида ТМБ 6 баллга тенг, (8 бемор - 53,3%), яни ташқи жинсий аъзолар амбивалент ривожланган. Шу билан бирга 7 нафар беморда (46,7%) ташқи жинсий аъзолар тузилиши асосан аёлларга хосдир (4-5 балл).

АРСНШ билан касалланган барча беморларда генетик жинсни аниқлаш маъсадида кариотиплаш ўтказил – эркак кариотиби (46XY) барча 15-та (100%) беморда тасдиқланди.

Генетик жинсни аниқлагандан сўнг, барча беморлар касалхонага ётқизилди ва касалликнинг этиологиясини аниқлаш (тасдиқлаш) ва барча беморларда кейинги даволаш тактикасини ишлаб чиқиш учун ота-оналарнинг ёзма розилигини олгандан сўнг, биз беморларнинг гормонал профили – тестостерон, дигидротестостеронларнинг базал қийматлари ва Т/ДГТ нисбатини аниқлаб (7-жадвал.), сўнгра β - инсон хорионик гонадотропини билан стимуляция тестини ўтказдик.

Жадвал 7.

**β - инсон хорионик гонадотропини билан стимуляция тестига
тестостерон, дигидротестостеронларнинг базал қийматлари ва Т/ ДГТ
нисбати.**

№	Тестостерон (нмоль/л)	Дигидротестостерон (нмоль/л)	Т/ДГТ
1	6,49	1,35	4,8
2	7,3	1,7	4,3
3	11,2	1,5	7,5
4	8,3	1,4	5,9
5	10,6	1,8	5,9
6	13,5	1,7	7,9
7	12,1	1,6	7,6
8	7,1	0,9	7,9
9	11,1	1,6	6,9
М	9,74	1,51	6,52
m	0,83	0,09	0,45
10	0,27	0,07	3,9
11	0,24	0,07	3,4
12	0,2	0,06	3,3
13	0,27	0,09	3,0
14	0,35	0,08	4,4
15	0,3	0,08	3,8
М	0,27	0,08	3,63
m	0,02	0,00	0,20

Юқорида айтиб ўтилганидек, ёши бўйича беморлар 2 гуруҳга бўлинган эди: 2 ёшгача - 9 бемор ва 3-5 ёшгача - 6 бемор. Ушбу гормонлар концентрациясининг референс қийматлари ёшга қараб ўзгаради [77,145].

Шунинг учун 9-чи қаторгача 2 ёшгача бўлган беморларнинг қийматлари ва 10-15 қаторларда 3-5 ёшгача бўлган беморларнинг гормонлари концентрацияси келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, тестостероннинг унинг фаолрок метаболити бўлмиш дигидротестостеронга нисбати 8 дан кам, яъни бу нормага (>8) тўғри келади (Guerrero-Fernández J., Azcona San Julián C. et al. 2018).

Шундан кейин, биз β-инсон хорионик гонадотропини билан стимуляция тестини ўтказдик. β-ИХГ лютеинлаштирувчи гормонга (ЛГ) ўхшаш биологик ва иммунологик хусусиятларга эга бўлган гликопротеиндир. ЛГ сингари, у эркакларда Лейдиг хужайралари томонидан тестостерон ишлаб чиқарилишини стимуляция қилиши мумкин (Palmert, Mark & Dunkel, Leo & Witchel, Selma. 2014). Нормада β-ИХГ-нинг юборилиши эркаклар мойлари томонидан сезиларли даражада тестостеронни ишлаб чиқилишининг ошишига олиб келади.

Барча беморларга биз 3 дозадан иборат умумий қабул қилинган протоколга мувофиқ β-ИХГ билан стимуляция тестини ўтказдик. Касалхонага ётқизишнинг 1, 3 ва 5-чи кунлари эрталаб биз 1000 ХБ (халқаро бирлик) β-ИХГ-ни вена ичига юбордик. 6-чи кунда эса, яъни 3-чи дозадан 24 соат ўтгач, биз Т ва ДГТ концентрацияларини қайта аниқладик. Т, ДГТ концентрациялари ва Т/ДГТ нисбатининг базал ва постстимуляцион қийматлари 8-жадвалда келтирилган.

Жадвал 8а.

Т, ДГТ концентрациялари ва Т/ДГТ нисбатининг базал ва стимуляциядан кейинги қийматлари

№	Базал қийматлар			Постстимуляцион қийматлар		
	Тесто-стерон (нмоль/л)	Дигидро-тестостерон (нмоль/л)	Т/ДГТ	Тесто-стерон (нмоль/л)	Дигидро-тестостерон (нмоль/л)	Т/ДГТ
1	6,49	1,35	4,8	14,2	3,2	4,4
2	7,3	1,7	4,3	15,3	4,1	3,7
3	11,2	1,5	7,5	27	4,6	5,9
4	8,3	1,4	5,9	18,7	4,3	4,3
5	10,6	1,8	5,9	24,3	4,9	5,0
6	13,5	1,7	7,9	29	5,1	5,7
7	12,1	1,6	7,6	27,1	3,7	7,3
8	7,1	0,9	7,9	16,3	2,9	5,6
9	11,1	1,6	6,9	24,8	3,9	6,4
М	9,74	1,51	6,52	21,86	4,08	5,37
м	0,83	0,09	0,45	1,91	0,25	0,38
10	0,27	0,07	3,9	12,2	2,6	4,7
11	0,24	0,07	3,4	10,8	0,79	13,7
12	0,2	0,06	3,3	13,6	1,2	11,3
13	0,27	0,09	3,0	14,8	1,2	12,3
14	0,35	0,08	4,4	16,4	1,3	12,6
15	0,3	0,08	3,8	17,9	1,4	12,8
М	0,27	0,08	3,63	14,28	1,42	11,23
м	0,02	0,00	0,20	1,08	0,25	1,34

8а ва 8б жадваллардан кўришиб турибдики, Т ва ДГТ концентрациясининг стимуляциядан кейинги қийматлари базал - стимуляциядан олдинги

қийматларга нисбатан 2 баравардан кўпроқ ошди. Бу яна бир бор амбивалент жинсий аъзоларнинг тестикуляр генезини истисно қилади, яъни беморларнинг мойяклари функцияси бузилмаган, бу ерда сабаб постгонадал омиллардир.

Жадвал 86.

Т, ДГТ концентрациялари ва Т/ДГТ нисбатининг базал ва стимуляциядан кейинги ўртача қийматлари

№	Кўрсаткичлар	Базал қийматлар		Постстимуляцион қийматлар		P
		М	m	М	m	
2 ёшгача						
1	Тестостерон (нмоль/л)	9,74	0,83	21,86	1,91	<0,001
2	Дигидротестостерон (нмоль/л)	1,51	0,09	4,08	0,25	<0,001
3	Т/ДГТ	6,52	0,45	5,37	0,38	<0,05
3-5 ёш						
1	Тестостерон (нмоль/л)	0,27	0,02	14,28	1,08	<0,001
2	Дигидротестостерон (нмоль/л)	0,08	0,00	1,42	0,25	<0,001
3	Т/ДГТ	3,63	0,20	11,23	1,34	<0,001

P – тестостерон, дигидротестостерон ва Т/ДГТ-нинг базал ва постстимуляцион қийматларининг ишончлик тафовути (ИТ=95%).

Бу ерда асосий сабаб АРСНШ ёки 5 α -редуктаза ферментининг етишмовчилигидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, 5 α -редуктаза ферменти тестостеронни унинг фаолроқ метаболити дигидротестостеронга айлантиришда иштирок этади. Шунинг учун 5 α -редуктаза етишмовчилигида тестостероннинг дигидротестостеронга айланишининг бузилиши кузатилади. Шунинг учун стимуляция қилинганидан кейин синтез қилинган тестостерон тўлиқ ДГТ-га айланмайди ва қонда тўпланади, бу эса Т/ДГТ нисбатининг ортишига олиб келади.

Бизнинг постстимуляциядан тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, Т/ДГТ нисбати барча ҳолатларда 30-дан паст бўлди (4-14 оралиғида), шунинг учун барча беморларда АРСНШ ташхиси тасдиқланди.

АРСНШ ташхисини тасдиқлагандан сўнг, нормал психо-сексуал ривожланишни таъминлаш мақсадида биз жарроҳлик даволашнинг 1-босқичи - ташқи жинсий аъзоларни эрта феминизацияловчи пластик жарроҳлик амалиётини бошладик. 2006 йилда бўлиб ўтган интерсексуал муаммоларга бағишланган халқаро конференцияда қабул қилинган консенсусга кўра, орган сақловчи ва функционал амалиётлар афзал кўрилади. Шунинг учун биз микропенис бошчасининг бир қисмини вентрал юзада сақлаш йўли орқали коррекциялаш билан ташқи жинсий аъзоларнинг пластикасини ўтказдик. Ушбу амалиётнинг мақсади амбивалент тузилиш ёки эркак хусусиятларига эга

бўлган ташқи жинсий аъзоларни фенотипик ва функционал жиҳатдан аёлларга хос аъзоларга айлантиришдир.

Тўлиқ текширувдан сўнг биз ушбу беморларни жарроҳлик даволашга тайёрлашга киришдик. Бунинг учун биз беморларнинг ота-оналаридан жарроҳлик даволаш учун ахборот берилган розилик хатини олдик. Амалиётга тайёрлаш умумий қабул қилинган схема бўйича амалга оширилди.

